

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.31/30.12.2019.Үч.25.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
АКАДЕМИЯСИ**

ЖЎРАЕВ МУҲИДДИН УТКУРОВИЧ

**ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ БОШҚАРУВ ТИЗИМИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**12.00.02 – Конституциявий ҳуқуқ. Маъмурий ҳуқуқ.
Молия ва божхона ҳуқуқи**

**Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of the abstract of the dissertation of the Doctor of Philosophy (PhD)

Жўраев Муҳиддин Уткурович

Ички ишлар органлари бошқарув тизимини

такомиллаштириш3

Жураев Муҳиддин Уткурович

Совершенствование системы управления

органов внутренних дел27

Juraev Mukhiddin Utkurovich

Improving the management system

internal affairs bodies.....49

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....54

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.31/30.12.2019.Үн.25.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
АКАДЕМИЯСИ**

ЖЎРАЕВ МУҲИДДИН УТКУРОВИЧ

**ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ БОШҚАРУВ ТИЗИМИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**12.00.02 – Конституциявий ҳуқуқ. Маъмурий ҳуқуқ.
Молия ва божхона ҳуқуқи**

**Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.1.PhD/Yu239 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (<http://akadmvd.uz/oz/ads/elon-25-02-2022>) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Мухамедов Ўткирбек Хазраткулович юридик фанлар доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Исмаилова Гулноза Сайдиганиходжаевна юридик фанлар доктори, доцент Якубов Шухрат Умматалиевич юридик фанлар доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.31/30.12.2019.Yu.25.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил 11 март куни соат 11:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100197, Тошкент ш., Интизор кўчаси, 68. Тел./факс: (71) 265-22-52/ (71) 265-17-53; e-mail: info@akad.mvd.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (1103-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100197, Тошкент ш., Интизор кўчаси, 68. Тел.: (71) 265-22-52.

Диссертация автореферати 2022 йил 25 февраль куни тарқатилди.

(2022 йил 25 февралдаги ____-рақамли реестр баённомаси).

А.С. Турсунов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, юридик фанлар доктори, профессор

Дж.Х. Юлдашев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

М.З. Зиёдуллаев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, юридик фанлар доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда ҳуқуқ тартиботни сақлаш, жиноятчиликка қарши курашишда полиция (ички ишлар органлари) муҳим ўрин тутди. Айниқса кейинги йилларда жиноятларнинг содир этилиш кўрсаткичи ошиб бормоқда. Бу эса ҳар бир давлатнинг жиноятчиликка қарши курашиш фаолиятини бу борадаги янги тенденцияларга мослаштиришни талаб қилмоқда. Хусусан, дунё мамлакатлари ва шаҳарлари ҳақидаги энг катта маълумотлар базаси Numbeo томонидан дунё давлатларининг жиноятчилик бўйича 2021 йил учун эълон қилган рейтингига кўра (Crime Index for Country) фақат тўртта давлат (Тайвань, БАА, Қатар, Мэн ороллари) кўча жиноятчилиги кам учрайдиган давлат деб топилган бўлса, 48 таси жиноятчилик даражаси паст, 62 таси жиноятчилик даражаси ўртача, 21 таси жиноятчилик даражаси юқори, 2 таси (Венесуэла ва Янги-Папуа) жиноят қурбони бўлиш эҳтимоли энг юқори даражадаги давлат деб баҳоланган¹. Шу нуқтаи назардан ҳам полиция (ички ишлар органлари) фаолиятини самарали бошқариш ҳар бир мамлакат учун долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Жаҳонда шахс ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини, жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкани, қонун устуворлигини, шахс, жамият ва давлатнинг хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида қатор илмий тадқиқот ишлари амалга оширилмоқда. Бу борада, айниқса, полиция (ички ишлар органлари) фаолиятини тўғри ва самарали ташкил этиш, соҳани бошқаришни ахборот, моддий-техник ҳамда методик жиҳатдан таъминлаш ҳамда инновацион лойиҳаларни жорий этишга қаратилган тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда ўтган давр мобайнида ички ишлар органлари тизимини такомиллаштириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Айниқса, ички ишлар органларининг маҳаллаларда жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш учун ташкил этилган қуйи бўғинни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилди. Жумладан, ички ишлар органларининг энг қуйи бўғинидан республика даражасигача замонавий иш услубларини жорий этиш орқали мамлакатимизда ҳуқуқ-тартибот ва қонунийликни мустаҳкамлаш, ички ишлар органларини аҳолига ўз вақтида ва сифатли ёрдам кўрсатадиган, ҳар бир ходими томонидан «Халқ манфаатларига хизмат қилиш»ни ўз хизмат бурчи деб биладиган ижтимоий йўналтирилган профессионал тузилмага айлантириш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги (2016 йил 16 сентябрь) Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар

¹ <https://nonews.co/directory/lists/countries/crime-index>

стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон (2017 йил 7 февраль), «Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5005-сон (2017 йил 10 апрель), «Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6196-сон (2021 йил 26 март) фармонлари, «Ички ишлар органлари фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-2883-сонли (2017 йил 12 апрель), «Ички ишлар органларида бошқарув, назорат ва шахсий таркиб билан ишлашнинг самарали тизимини жорий этиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3919-сон (2018 йил 23 август), «Ички ишлар органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича кўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-5050-сон (2021 йил 2 апрель) қарорлари ва соҳага оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ички ишлар органларини, шу жумладан унинг тегишли соҳавий хизматлари фаолиятини ташкил этиш ҳамда бошқаришнинг айрим жиҳатлари мамлакатимизнинг ҳуқуқшунос олимлари томонидан олиб борилган илмий тадқиқотларда маълум даражада ўрганилган. Хусусан, ички ишлар органларини бошқаришнинг умумий жиҳатлари С.Т. Ахмедова, Ю.С. Пулатов, Ҳ.Т. Одилқориев, Ҳ.Р. Алимов, Ў.Х. Мухамедов, У.Т. Таджиханов, И. Исмаилов, Б.Э. Қосимов каби ҳуқуқшунос олимлар томонидан ўрганилган.

Шунингдек, мамлакатимизда ички ишлар органларининг тегишли соҳавий хизматлари фаолиятини бошқариш, хусусан, ички ишлар органларининг таянч пунктларини бошқариш (М.З. Зиёдуллаев), ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятларнинг олдини олишга оид фаолиятини бошқариш (Ж.С. Мухторов), назорат-лицензия тизимини таъминлаш бўйича фаолиятини бошқариш (С.М. Селиманова, Э.Х. Норбўтаев), паспорт тизимида оид фаолиятини бошқариш (Дж.Х. Юлдашев), миграция жараёнларига доир фаолиятини бошқариш (Б.И. Эгамбердиев), патруль-пост хизмати саф бўлинмалари фаолиятини бошқариш (С.С. Шарипов) билан боғлиқ айрим масалалар тадқиқ этилган.

Хориж олимларидан У.И. Абдуллаев, В.В. Дралов, В.В. Казаков, В.В. Павловский, В.С. Бялт, В.Ю. Касьян, Е.А. Спицына, Е.В. Щеглова, Р.Р. Алиуллов, С.И. Адиньяев, Т.С. Валиулин, Ю.А. Случевская ва шу каби

бошқалар томонидан ички ишлар органлари фаолиятини бошқариш масалалари у ёки бу нуқтаи назардан тадқиқ этилган.

Мамлакатимизда ички ишлар органлари тизимида кейинги йилларда амалга оширилган ислохотлар ва уларнинг натижаларини, амалдаги қонунчилик нормалари ва уларни қўллаш амалиётини, илғор хорижий тажрибани ҳисобга олган ҳолда ички ишлар органларини бошқариш масалалари яхлит тадқиқот доирасида махсус тадқиқ этилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси илмий-тадқиқот ишлар режасига мувофиқ «Ички ишлар органларининг жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш фаолиятини такомиллаштириш» илмий-тадқиқот ишлар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ички ишлар органлари бошқарув тизимини такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва тавсиялар ҳамда хулосалар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ички ишлар органлари бошқарув тизимининг ўзига хос хусусиятларини таҳлил қилиш;

ички ишлар органлари бошқарув тизимининг ҳуқуқий асосларини таҳлилий ва тизимли равишда ўрганиш;

ички ишлар органлари бошқарув тизимини ахборот билан таъминлаш ва унинг аҳамияти ҳамда бугунги кундаги ҳолатини тадқиқ этиш;

ички ишлар органлари бошқарув тизимини моддий-техник таъминлаш ва унинг аҳамияти ҳамда бугунги кундаги ҳолатини тадқиқ этиш;

ички ишлар органлари бошқарув тизимини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

ички ишлар органлари бошқарув тизимида инновацион лойиҳаларни жорий этиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объектини Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари фаолиятини бошқаришни такомиллаштириш билан боғлиқ ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг предметини ички ишлар органларини бошқаришга доир муаммолар, ушбу соҳани тартибга солувчи нормалар ва уларни қўллаш амалиёти, айрим хорижий давлатлар тажрибаси, илмий қарашлар ва методологик-услубий ёндашувлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот давомида анализ, синтез, дедукция, индукция, қиёсий-ҳуқуқий таҳлил, анкета сўрови, эмпирик материал ва статистик маълумотлар таҳлили, кузатиш, тизимли ёндашув, мантиқийлик усулларида кенг фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Ички ишлар органларининг одам савдоси билан боғлиқ жиноятларни фош этиш бўйича фаолиятини ташкил этиш ҳамда амалга оширишда замонавий технологиялар ва ахборот тизимларидан кенг фойдаланиш, шунингдек одам савдоси билан боғлиқ ахборотларни тегишли давлат

ҳоқимияти ва бошқаруви органларига тақдим этишлари зарурлиги асослантилган;

Тошкент шаҳрининг географик ахборот-таҳлил тизимини жорий этишда давлат органлари, шу жумладан, ички ишлар органлари ҳамда бошқа идора ва ташкилотларнинг Тошкент шаҳар муассасалари кесимидаги соҳага оид маълумотларини ўзида жамловчи, таҳлил қилувчи ва қайта ишловчи ягона ахборот тизимини жорий этиш зарурлиги асослантилган;

Туризмни таъминлаш бошқармаси ходимларининг фаолиятини молиялаштириш ва уларни моддий-техник воситалар билан таъминлаш шартномалардан тушган маблағлар ҳисобига амалга оширилиши ҳамда туризм намоиши объектида хавфсиз туризмни таъминлаш бошқармаси ходимларининг хизмат олиб бориш тартиби, ҳудуди ва патруллик йўналишлари хавфсиз туризмни таъминлаш бошқармаси бошлиғи билан келишган ҳолда тасдиқланиши зарурати асослантилган;

Тошкент вилояти Ички ишлар бошқармасини Тошкент вилояти Ички ишлар бош бошқармаси этиб қайта ташкил этиш ҳамда унинг бошлиғи зиммасига вилоят ички ишлар органлари куч ва воситаларини минтақавий бошқариш механизмларини самарали ва тўлақонли равишда амалга ошириш, вилоят ички ишлар органларининг минтақалар даражасида амалий бошқарув қарорларини қабул қилиш, таҳлилий фаолиятни ҳамда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишнинг самарадорлигини тизимли баҳолашни сифатли ташкил этиш борасида шахсий жавобгарлик юкланиши зарурлиги асослантилган;

Тошкент вилоятида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари куч ва воситаларини бошқаришнинг сифат жиҳатдан янги тизимини жорий этишда вилоят туман (шаҳар)ларининг ички ишлар органлари куч ва воситаларини тўртта минтақавий бошқариш ҳудудларига ажратиш зарурлиги асослантилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари. Тадқиқот натижалари асосида ишлаб чиқилган таклиф ва тавсияларнинг жорий этилиши ички ишлар органлари бошқарув тизимини янада такомиллаштиришга, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари куч ва воситаларини бошқаришнинг сифат жиҳатдан янги тизимини жорий этишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижалари халқаро ва миллий қонунчилик нормалари, ҳуқуқни қўллаш амалиётининг илғор ҳамда ижобий тажрибалари, соҳага доир эмпирик ва статистик маълумотлар таҳлили, 1200 нафар мутахассис ходимлар ўртасида ўтказилган социологик тадқиқотлар натижаларини умумлаштириш орқали исботланган бўлиб, ишлаб чиқилган илмий хулоса, таклиф ва тавсиялар апробациядан ўтказилиб, етакчи хорижий ҳамда миллий нашрларда эълон қилинган, олинган натижалар эса, ваколатли органлар томонидан тасдиқланган ва амалиётга жорий этилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, улардан ички ишлар органлари бошқарув тизимига оид назарий-методологик қарашларни бойитишда, ички ишлар органларини бошқаришни тартибга солувчи янги қонун нормаларини ишлаб чиқишда, соҳага тегишли қонунчиликни шарҳлашда, шунингдек «Ички ишлар органларида бошқарувни ташкил этиш» фанининг илмий-назарий жиҳатларини бойитишда ҳамда олий таълим муассасаларининг ўқув жараёнида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, уларнинг амалиётга татбиқ этилиши ички ишлар органларини бошқаришга доир фаолиятни ташкилий-ҳуқуқий ва институционал жиҳатдан ривожлантиришга, шунингдек мазкур соҳани моддий-техник ҳамда кадрлар билан таъминлашни такомиллаштиришга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ички ишлар органлари бошқарув тизимини такомиллаштириш бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари асосида:

ички ишлар органларининг одам савдоси билан боғлиқ жиноятларни фош этиш бўйича фаолиятини ташкил этиш ҳамда амалга ошириш, шу жумладан замонавий технологиялар ва ахборот тизимларидан фойдаланган ҳолда ушбу фаолиятни ташкил этиш ҳамда амалга ошириш, шунингдек одам савдоси билан шуғулланувчи шахслар, уюшган гуруҳлар ва жинойий уюшмалар ҳақида тегишли давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига ахборот тақдим этиш бўйича ваколатларини белгилаш бўйича таклифлардан Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 17 августда қабул қилинган «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги ЎРҚ-633-сон қонунининг 11-моддасини ишлаб чиқишда фойдаланилган. (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитасининг 2021 йил 25 январдаги 06/2-06/3724-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг жорий этилиши, Ички ишлар вазирлигининг одам савдосига қарши курашиш бўйича фаолиятини бошқаришни такомиллаштиришга хизмат қилган;

«Рақамли Тошкент» комплекс дастури доирасида ички ишлар органлари ҳамда бошқа идора ва ташкилотларнинг шаҳар муассасалари кесимидаги соҳага оид ягона ахборот тизимини жорий этишга доир таклифлар ««Рақамли Тошкент» комплекс дастури доирасида давлат органлари ва ташкилотларининг ўзаро электрон ҳамкорлиги тартиби тўғрисида»ги Низомнинг 2-бандини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 20 октябрдаги 176-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг жорий этилиши, «Рақамли Тошкент» комплекс дастури доирасида давлат органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотларнинг ахборот тизимлари ва ахборот ресурсларида мавжуд бўлган Тошкент шаҳрининг географик ахборот-таҳлилий маълумотларидан ички ишлар органларини бошқаришда самарали фойдаланиш амалиётини йўлга қўйишга хизмат қилган;

Туризм намоёиши объектида хавфсиз туризмни таъминлаш бошқармаси ходимларининг хизмат олиб бориш тартиби, худуди ва патруллик йўналишлари хавфсиз туризмни таъминлаш бошқармаси бошлиғи билан келишган ҳолда тасдиқланишига доир таклифлардан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 13 августдаги 669-сонли «Ички ишлар органларининг хавфсиз туризмни таъминлаш бўлинмалари томонидан шартнома асосида пулли хизматлар кўрсатиш тартибини белгилаш тўғрисида»ги Қарори билан тасдиқланган «Ички ишлар органларининг хавфсиз туризмни таъминлаш бўлинмалари томонидан шартнома асосида туризм намоёиши объектларида жамоат тартибини сақлаш бўйича пулли хизматлар кўрсатиш тартиби тўғрисида»ги Низомнинг 3-бобини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 20 октябрдаги 178-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг жорий этилиши, ички ишлар органларининг хавфсиз туризмни таъминлаш бўлинмалари томонидан туристлар ва туристик гуруҳларни кузатиб бориш бўйича фаолиятини бошқаришни такомиллаштиришга хизмат қилган;

Тошкент вилояти Ички ишлар бошқармасини Тошкент вилояти Ички ишлар бош бошқармаси этиб қайта ташкил этиш ҳамда унинг бошлиғи зиммасига вилоят ички ишлар органлари куч ва воситаларини минтақавий бошқариш механизмларини самарали ва тўлақонли равишда амалга ошириш, вилоят ички ишлар органларининг минтақалар даражасида амалий бошқарув қарорларини қабул қилиш борасида шахсий жавобгарлик юкланиши зарурлиги тўғрисидаги таклифлардан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 майдаги ПҚ-4343-сон «Тошкент вилоятида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари куч ва воситаларини бошқаришнинг сифат жиҳатдан янги тизимини жорий этиш тўғрисида»ги қарорининг 2-бандини ишлаб чиқишда фойдаланилган. (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 20 октябрдаги 177-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг жорий этилиши Тошкент вилояти Ички ишлар бошқармасини Ички ишлар бош бошқармаси этиб қайта ташкил этиш ҳамда унинг бошлиғи зиммасига ички ишлар органлари куч ва воситаларини бошқаришнинг сифат жиҳатдан янги тизимини жорий этиш бўйича шахсий масъулиятни юклашга хизмат қилган;

Тошкент вилоят ички ишлар органлари куч ва воситаларни аҳолига бевосита яқин ҳудудларда янада самарали жойлаштириш мақсадида вилоят ва туман (шаҳар) даражасидаги ички ишлар органларининг тузилмаларини янада мақбуллаштириш бўйича таклифлардан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 майдаги ПҚ-4343-сон «Тошкент вилоятида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари куч ва воситаларини бошқаришнинг сифат жиҳатдан янги тизимини жорий этиш тўғрисида»ги қарорининг 2-бандини ишлаб чиқишда фойдаланилган. (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 20 октябрдаги 177-сон маълумотномаси). Мазкур

таклифнинг жорий этилиши Тошкент вилоятида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жинойтчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари куч ва воситаларини тўртта минтақавий ҳудудлари бўйича оптимал тақсимлаган ҳолда ички ишлар органларини бошқаришнинг сифат жиҳатдан янги тизимини жорий этишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертациянинг асосий мазмуни ва илмий натижалари 3 та халқаро, 7 та республика миқёсидаги илмий-амалий конференция ҳамда давра суҳбатларида синондан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 12 та, жумладан 2 та ўқув қўлланма ва диссертациянинг асосий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий журналларда 7 та (шундан 2 таси хорижда) мақола чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Ишнинг ҳажми 152 бет.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқот мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, жорий қилиниши, апробацияси, эълон қилиниши, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ёритилган.

Диссертациянинг **«Ички ишлар органлари бошқарув тизимининг ўзига хос хусусиятлари ва ҳуқуқий асослари»** деб номланган биринчи бобида ички ишлар органлари бошқарув тизимининг ўзига хос хусусиятлари ва ҳуқуқий асослари таҳлил этилган.

Диссертант бир қатор муаллифлар (У.И. Абдуллаев, Р.Р. Алиуллов, С.И. Адинъев, В.В. Дралов, В.С. Бялт, Т.С. Валиулин, В.В. Казаков, В.В. Павловский, В.Ю. Касьян, Е.А. Спицына, Е.В. Щеглова, М.З. Зиёдуллаев, Ю.А. Случевская, Ў.Х. Мухамедов)нинг ички ишлар органларининг тизимига оид фикр ва мулоҳазаларини ўрганган ҳолда, шунингдек ички ишлар органларининг ҳуқуқни қўллаш амалиёти таҳлиliga асосан ички ишлар органларининг бошқарув тизимининг ўзига хос хусусиятларини таснифлаган ҳолда куйидаги йўналишлар бўйича таҳлил қилган: бошқарувнинг мақсади ва вазифалари бўйича; функциялари бўйича; элементлари бўйича; принциплари бўйича; бошқарувга таъсир этувчи омиллар бўйича.

Муаллифнинг фикрича, ички ишлар органлари бошқарув тизимининг мақсади давлатнинг жамият олдига ижтимоий-сиёсий вазифалари ҳамда ички ишлар органлари фаолиятининг умумий мақсадидан келиб чиқиб, куч

ва воситаларни фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини, жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкани, конституциявий тузумни ҳимоя қилиш, қонун устуворлигини, шахс, жамият ва давлатнинг хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикасини таъминлашга сафарбар этишдан иборат.

Диссертацияда ички ишлар органлари бошқарув тизимининг функциялари унинг олдига қўйилган мақсадга эришиш ва вазифаларнинг бажарилишини таъминлашга хизмат қилиши баён этилган ҳамда ички ишлар органлари бошқарув тизимининг функцияларига ички ишлар органларининг амалий фаолиятдан келиб чиқиб ёндашиш лозимлиги, хусусан, ички ишлар органлари тизимида амалга оширилган ислоҳотлар натижасида ички ишлар органлари зиммасига янги вазифалар юкланишини ички ишлар органлари бошқарув тизимининг янги функциялари (инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини кафолатлаш ва таъминлаш; халқ билан мулоқот қилиш; ўз фаолиятини илмий ёндашувлар асосида ташкил этиш, ички ишлар органлари раҳбарларининг халқ ва вакиллари олдида бевосита ҳисобдорлиги) вужудга келганлиги кўрсатиб ўтилган.

Ишда ички ишлар органларининг бошқарув субъектининг мақсадли фаолияти қайси ижтимоий муносабатларга қаратилса улар ички ишлар органлари бошқарув тизимининг предмети деб ҳисобланишини ҳамда ички ишлар органлари бошқарув тизимининг предмети бошқарув субъектига таъсир этишини, бунда муайян ҳолатларда бошқарув предмети бошқарув субъектига нисбатан бирламчи хусусият касб этиши мумкинлигини исботлаган.

Муаллифнинг фикрича, ички ишлар органлари бошқарув тизимининг субъекти ва объекти адабиётларда назарда тутилганидан кўра кенгроқ ҳисобланади. Жумладан, ички ишлар органлари бошқарув тизимининг субъектлари сифатида Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамаси, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳисобланса, шунингдек, ички ишлар органлари бошқарув тизимининг объектларига эса бошқа давлат органлари, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар киради.

Ички ишлар органлари бошқарув тизимининг принциплари сифатида ички ишлар органлари тизимида олиб борилган ислоҳотлар ҳамда ички ишлар органлари олдига қўйилаётган вазифалар ва замон талабларидан келиб чиқиб қуйидагиларни назарда тутиш лозим: қонунийлик; мақсадга мувофиқлик; мақбуллик; шахс ҳуқуқ ва эркинликларининг устуворлиги; очиқлик ва шаффофлик; яқка бошчилик; ҳамкорлик; илмий ва амалий асосланганлик; ахборот технологиялари имкониятларидан фойдаланиш.

Ички ишлар органларининг бошқарув тизимида криминоген вазият, тезкор вазият, ҳуқуқбузарликлар динамикаси ва уларнинг сифат кўрсаткичи, ижтимоий-сиёсий муҳит ва вазият, табиат ҳодисалари, техноген ҳодисалар, шов-шувга сабаб бўладиган жиноят ва ҳодисалар бевосита таъсир кўрсатади.

Диссертант ички ишлар органлари бошқарув тизимини қуйидаги ракурсларда кўриб чиқиш мумкинлиги тўғрисида хулосага келган: ижтимоий бошқарувнинг бир тури; ҳуқуқ-тартибот ва ҳуқуқни муҳофаза қилишнинг

таркибий қисми; давлатнинг маъмурий-сиёсий фаолиятининг шаклларида бири.

Муаллиф қонун ҳужжатлари ва уларнинг қўлланилишини таҳлил қилган ҳолда ички ишлар органлари бошқарув тизимининг ҳуқуқий асослари сифатида қуйидагиларни кўрсатади: Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси; Ўзбекистон Республикасининг қонунлари; Ўзбекистон Республикасининг кодекслари; Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҳужжатлари; тегишли идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар.

Таҳлиллар асосида Конституция ички ишлар органлари бошқарув тизимининг концептуал (бунда тегишли нормалар ички ишлар органлари фаолиятини ташкил этишнинг принципал-раҳбарий асоси бўлади) ҳамда компетенцуал (бунда тегишли нормалар ички ишлар органларининг фаолият йўналишлари, функциялари, вазифалари ҳамда мажбуриятлари ва ваколатларини белгилашнинг конституциявий-ҳуқуқий асосини ташкил этади) ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилиши тўғрисида хулосага келинди.

Ишда ички ишлар органларининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари, ваколатлари ва бошқа шаклдаги иштирокига оид қатор нормалар мавжуд бўлган қонунлар ички ишлар органлари бошқарув тизимининг ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилиши асосланган.

Муаллиф томонидан ички ишлар органлари бошқарув тизимининг ҳуқуқий асослари сифатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатларини қуйидаги гуруҳларга таснифлаш мумкинлиги тўғрисида хулосага келинган: ички ишлар органларининг бошқарув тизими билан боғлиқ муносабатларни бевосита тартибга солувчи ҳужжатлар; ички ишлар органларининг тегишли соҳавий хизматлари фаолиятини тартибга солувчи ҳужжатлар; ички ишлар органларида бошқарувни таъминлаш билан боғлиқ ҳужжатлар; ҳудудий ички ишлар органлари фаолиятида бошқарувни ташкил этиш билан боғлиқ ҳужжатлар.

Диссертант таҳлиллар асосида Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг ҳужжатларини ички ишлар органлари бошқарув тизимининг ҳуқуқий асослари сифатда қуйидагича таснифлаш мумкинлиги тўғрисида хулосага келган: ички ишлар органлари бошқарув тизимини таъминлаш билан боғлиқ ҳужжатлар; ички ишлар органларининг соҳавий хизматлар фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш билан боғлиқ ҳужжатлар; ҳудудий ички ишлар органлари фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш билан боғлиқ ҳужжатлар.

Диссертацияда ички ишлар органлари бошқарув тизимида вазирликнинг идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари салмоқли ўрин тутиши қуйидагилар билан изоҳланган: биринчидан, ИИВнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари ички ишлар органларида бошқарувни ташкил этишнинг барча жиҳатларини қамраб олади; иккинчидан, ички ишлар органларида бошқарувни ташкил этиш ва амалга оширишнинг аниқ шакллари ва усулларини ифодалайди; учинчидан, ички ишлар органлари бошқарув тизимига оид қонунлар, Президент ҳамда ҳукуматнинг турли

хужжатларининг ижросига оид муносабатларни диалектик шаклда бирлаштиради.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Ички ишлар органлари бошқарув тизимини таъминлаш асосларининг бугунги ҳолати**», деб номланган бўлиб, унда ички ишлар органлари бошқарув тизимини ахборот билан, шунингдек моддий-техник ҳамда методик таъминлаш масалалари тадқиқ этилган.

Мазкур бобда бир қатор муаллифлар (А.А. Аманов, Д.К. Хусайнов, З.М. Зиёдуллаев, И. Шарифбоев, М. Тошниёзов, Н.Н. Бекмуродов, О. Обидовлар, О.А. Городов, О.Р. Файзиев, А.Н. Герасименко)нинг фикр ва мулоҳазалари ҳамда ички ишлар органлари фаолиятини ахборот билан таъминлаш амалиёти таҳлил қилинган ҳолда ички ишлар органларининг бошқарув тизимини ахборот билан таъминлаш нуқтаи назаридан ахборотга «Ахборот – ички ишлар органларининг мақсади, вазифалари, функциялари ҳамда асосий фаолият йўналишларидан келиб чиқиб, бошқарув қарорларини қабул қилишга, куч ва воситаларни сафарбар этишга, мавжуд ресурслардан фойдаланишга бевосита таъсир этувчи воқеа, ҳодиса, жараёнлар, шахслар, ҳолатлар ва фактлар ҳақидаги маълумот» деб, таъриф берилган.

Ўрганишлар ички ишлар органларининг бошқарув тизимини ахборот билан таъминлаш маълумотларни йиғиш, тизимлаштириш, таҳлил қилиш ва умумлаштириш шаклида қуйидаги босқичларда амалга оширилишини кўрсатмоқда: маълумотлар манбаларини аниқлаш; ахборот-таҳлил маълумотлари рўйхатини тузиш ва тақдим этиш тартибини белгилаш; маълумотларни тўплаш мақсадида тегишли давлат бошқаруви ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда жамоат ташкилотлари билан алоқаларни ўрнатиш; келиб тушаётган маълумотларнинг аҳамияти, тўлиқлиги ва ишончлиги нуқтаи назаридан баҳолаш; маълумотлар мазмуни, йўналиши ва тегишлилиги бўйича тизимлаштириш; маълумотлар базасини шакллантириш.

Диссертацияда моддий-техник таъминот маълум бир тизим ёки фаолиятнинг мавжуд бўлиши, сақлаб турилиши ҳамда унинг ўз вазифа ва функцияларини бажаришини моддий ва техник ресурслар билан қўллаб-қувватлаш ҳисобланиши кўрсатиб ўтилган ҳамда тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда ички ишлар органларининг моддий-техник таъминотига оид маълумотлар таҳлили асосида ички ишлар органлари бошқарув тизимини моддий-техник таъминлаш қуйидаги йўналишларда амалга оширилиши тўғрисида хулосага келинди: биринчи йўналиш – ички ишлар органларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш; иккинчи йўналиш – ички ишлар органлари ходимларини ижтимоий ҳимоя қилиш.

Ички ишлар органларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш қуйидаги элементлардан ташкил топган: ички ишлар органларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашнинг институционал асослари; ички ишлар органларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашнинг ҳуқуқий асослари; ички ишлар органларининг моддий-техника базасининг манбаи;

ички ишлар органларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашнинг амалдаги ҳолати.

Фаолиятни методик таъминлаш ушбу фаолиятни амалга ошириш учун муайян усуллар ва чоралар орқали тегишли шарт-шароитлар яратишдан иборат бўлади. Бошқарувни методик таъминлаш унинг усулларида келиб чиқиб белгиланиши керак, бошқарув усуллари эса – бу бошқарув субъектининг бошқарув объектига мақсадли йўналтирилган таъсир ўтказишнинг усуллари, яъни бошқарувчининг у бошқараётган ишлаб чиқариш жамоасига қўйилган мақсадларга эришиш жараёнида унинг фаолияти мувофиқлигини таъминлашдир.

Диссертацияда ички ишлар органлари бошқарув тизимини методик таъминлаш қуйидаги усуллар орқали таъминланиши асосланган: ишонтириш, огоҳлантириш, рағбатлантириш, мажбурлаш.

Ишнинг учинчи боби «**Ички ишлар органлари бошқарув тизимини такомиллаштириш**», деб номланиб, унда ички ишлар органлари бошқарув тизимини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари ҳамда ички ишлар органлари бошқарув тизимига инновацион лойиҳаларни жорий этиш масалалари тадқиқ этилган.

Диссертант фикрича, ички ишлар органлари бошқарув тизимини қуйидаги йўналишлар асосида такомиллаштириш лозим:

биринчи йўналиш - ички ишлар органлари тизимида ходимларнинг иш фаолиятини эски «қолип»лар асосида ташкил этишга бутунлай барҳам бериб, уларнинг хизмат бурчини халқ манфаатларига хизмат қилиш тамойили асосида бажаришини амалда тўлиқ таъминлаш. Хусусан, ички ишлар органлари бошқарув тизимини такомиллаштиришда ички ишлар органлари фаолиятини рейтинг орқали баҳолашнинг таъсирчан тизимини жорий қилиш, бунда ҳар бир ходимнинг KPI (Key Performance Indicator – самарадорликнинг асосий индикаторлари)ни аниқлаш, ходимларни саралаш мезонларини кўриб чиқиш, кадрлар тайёрлашнинг замонавий базасини яратиш, ички ишлар органлари хизматига ишга олишнинг шаффоф тизимини яратиш, манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик, мансабдор шахслар даромадларини декларация қилишнинг нормал тизимини яратиш;

иккинчи йўналиш - ички ишлар органларида рағбатлантиришнинг жамоавий шакллари кенг жорий этиш. Бугунги кунда ички ишлар органлари ходимларини хизматдаги ютуқлари ва эришган натижаларидан келиб чиқиб рағбатлантириш тизими индивидуал характерга эга бўлиб, у фақат рағбатлантирилган ходимнинг ўзигагина таъсир қилади. Жамоавий рағбатлантириш эса бутун жамоани яқдил бўлиб, биргаликда самарали фаолият юритишга ундайди;

учинчи йўналиш - ички ишлар органлари фаолиятига баҳо бериш, куч ва воситаларни бошқариш ҳамда бошқарув қарорларини қабул қилишда рақамлар ортидан қувиш амалиётини бекор қилиш. Хусусан, жинойтлар ва ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши кўрсаткичининг ошиб кетганлигига ҳеч қандай таҳлилий ва атрофлича ўрганишларсиз салбий ҳолат сифатида баҳо бериш амалиётидан бутунлай воз кечиш шарт. Шунингдек, фақатгина

олдини олиш мумкин бўлган жиноятлар содир этилгандагина салбий кўрсаткич сифатида баҳоланиши лозим. Шундан келиб чиқиб, “олди олиниши мумкин бўлган жиноят” тушунчасига қуйидаги таъриф бериш таклиф этилади: “Олди олиниши мумкин бўлган жиноят – ғайриижтимоий хулқ-атвори олдиндан маълум бўлган ҳамда профилактик ишлар олиб борилиши лозим бўлган шахс томонидан қасддан содир этилган жиноят”. Мазкур тушунчани Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 14 майда қабул қилинган “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонунига ҳам киритиш лозим;

тўртинчи йўналиш - ички ишлар органлари тизимидаги ўта марказлашган бошқарувдан босқичма-босқич воз кечиш лозим. Ички ишлар органларини бошқариш тизимини такомиллаштиришда ички ишлар органларининг республика, ўрта ва қуйи бўғиндаги бўлинмалар ўртасида асосий вазифа ва функцияларни аниқ ва оптимал тақсимлаш, ташкилий-штат тузилмалари куч ва воситалардан оқилона фойдаланиш муҳим ўрин тутди. Бу борада аввало ваколатлар тақсимотини қайта кўриб чиқиш лозим, куч ва воситаларни бошқариш, қарорлар қабул қилиш, кадрлар билан ишлаш (хизматга қабул қилиш, махсус унвонлар бериш ва улардан маҳрум этиш, лавозимга тайинлаш, лавозимдан озод этиш ва ротация, ходимларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, ходимнинг бошқа давлат органлари ва ташкилотларига сайланганида (тайинланганида, сафарбар этилганида) хизмат ўташи, аттестация ўтказиш, таътиллار бериш, ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя қилиш, хизмат ўташ режимини таъминлаш, хизмат муддатларини узайтириш, хизматдан бўшатиш ва хизматга тиклаш), хўжалик шартномаларини имзолаш каби масалаларда қуйи бўғинларнинг ваколатларини кенгайтириш зарур;

бешинчи йўналиш - ички ишлар органлари фаолиятига инновацион лойиҳаларни жорий этиш;

олтинчи йўналиш – ички ишлар органлари бошқарув тизимини рақамлаштиришнинг устувор йўналишларини ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш.

Ички ишлар органлари тизимида ахборот технологияларни жорий этиш концепциясини ишлаб чиқиш ва унда ички ишлар органлари фаолиятини рақамлаштириш соҳа ва йўналишларини, шунингдек ахборот технологияларни тўлиқ жорий этиш босқичларини белгилаш ҳамда ички ишлар органлари тизимида локал тармоқлар ва ягона ҳимояланган корпоратив тармоқни ривожлантириш ички ишлар органларини рақамлаштириш жараёнларини жадаллаштириш учун телекоммуникация инфратузилмасини модернизация қилиш;

еттинчи йўналиш - ички ишлар органлари фаолиятини ташкил этишнинг мутлақо янги механизмларини жорий этиш.

Ҳар бир маҳалла, оила ва шахс кесимида жиноятчиликнинг сабабларини аниқлаш ва уларни бартараф этиш орқали ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашишга оид муаммоларни бевосита жойларнинг ўзида ҳал этиш;

худудларда жиноятчилик аҳволдан келиб чиқиб, ҳар бир туман, шаҳар ва маҳаллаларни тоифаларга ажратиш ҳамда ҳокимликлар, секторлар ва жамоатчилик билан ҳамкорликда «жиноят ўчоқлари»ни бартараф этиш учун барча зарур куч ва воситаларни жалб қилиш;

«республика – вилоят – туман – маҳалла» тизими асосида яхлит бошқарув ва узлуксиз назорат қилиш механизмларини жорий этиш, ички ишлар ва бошқа давлат органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш борасидаги фаолиятини самарали мувофиқлаштириш орқали мамлакатимизда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш;

Ички ишлар органлари ходимларининг замонавий қиёфасини яратиш, уларнинг масъулияти ва касбий салоҳиятини ошириш, жиноятчиликнинг янги кўринишларига қарши курашиш учун зарур кўникмаларни шакллантириш ҳамда соҳани тўлиқ рақамлаштиришга эришиш;

жиноятларнинг содир этилишига таъсир қилаётган омиллар ҳамда криминоген ва ижтимоий вазият таҳлилига асосан мавжуд куч ва воситаларни самарали тақсимлашнинг аниқ мезонларини ва талабларини ишлаб чиқиш;

жиноятчиликка қарши курашиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ҳамда жамоат хавфсизлигини таъминлаш фаолиятига илмий ёндашувларни кенг жорий этиш;

Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ички ишлар бош бошқармалари тажрибаларидан келиб чиқиб, ички ишлар органлари фаолиятига коллектив бошқарув элементларини жорий этиш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазири ҳамда вилоятлар ички ишлар бошқармалари бошлиқлари ҳузурида Жамоат хавфсизлигини таъминлаш масалалари бўйича мувофиқлаштирувчи кенгашлар фаолиятини йўлга қўйиш;

саккизинчи йўналиш - ички ишлар органларининг фаолиятини босқичма-босқич полиция тизимига ўтказиш.

Бошқа давлат органлари сингари ички ишлар органлари олдида ҳам бугун инновацион лойиҳаларни кенг жорий этиш масаласи турганлиги ва ички ишлар органлари бошқарув тизимига инновацион лойиҳаларни янада кенгроқ жорий этиш юзасидан қуйидагиларни амалга ошириш лозим: ички ишлар органлари фаолиятига инновацион лойиҳаларни жорий этишнинг истиқболли стратегиясини ишлаб чиқиш ва уни изчиллик билан амалга ошириш; ички ишлар органлари фаолиятига инновацион лойиҳаларни жорий этишнинг аниқ йўналишларини жорий этиш; ички ишлар органлари фаолиятига инновацион лойиҳаларни жорий этишнинг ҳуқуқий асосларини яратиш; ички ишлар органлари фаолиятига инновацион лойиҳаларни жорий этишнинг институционал ҳамда илмий-амалий методик асосларини яратиш; ички ишлар органлари фаолиятига инновацион лойиҳаларни жорий этишнинг институционал асосларини яратиш.

Диссертациянинг хулоса қисмида асосий илмий натижалар (хулоса, тақлиф ва тавсиялар) келтирилган.

ХУЛОСА

Амалга оширилган тадқиқот натижасида ички ишлар органларининг бошқарув тизимини такомиллаштириш юзасидан қуйидаги таклиф, тавсия ва хулосалар ишлаб чиқилди ҳамда илгари сурилмоқда.

I. Ички ишлар органларининг бошқарув тизимига оид илмий-назарий билимларни бойитишга қаратилган хулоса ва тавсиялар:

1. *Ички ишлар органлари бошқарув тизимининг ўзига хос хусусиятлари қуйидагиларда намоён бўлади:* бошқарувнинг мақсади ва вазифалари бўйича; бошқарувнинг функциялари бўйича; бошқарувнинг элементлари бўйича; бошқарувнинг принциплари бўйича; бошқарувга таъсир этувчи омиллар бўйича.

2. *Ички ишлар органлари бошқарув тизимининг мақсади* давлатнинг жамият олдидаги ижтимоий-сиёсий вазифалари ҳамда ички ишлар органлари фаолиятининг умумий мақсадидан келиб чиқиб, куч ва воситаларни фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини, жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкани, конституциявий тузумни ҳимоя қилиш, қонун устуворлигини, шахс, жамият ва давлатнинг хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикасини таъминлашга сафарбар этишдан иборат.

3. *Ички ишлар органлари бошқарув тизимининг функциялари* унинг олдида қўйилган мақсадга эришиш ва вазифаларнинг бажарилишини таъминлашга хизмат қилади. Айрим адабиётларда исталаётган пировард натижага эришиш учун ижтимоий жараёнларга мақсадли таъсир кўрсатишлар бошқарувнинг функциялари ҳисобланиши назарда тутилган.

4. Бугунги кунда ички ишлар органлари бошқарув тизимининг элементлари бошқарув субъекти, бошқарув объекти, тўғри таъсир этиш канали, тесқари таъсир этиш каналидан иборат эканлиги тўғрисидаги тезис ва хулосалар нисбатан кўп учрайди. Бироқ, ички ишлар органлари бошқарув тизимининг яна бир муҳим элементи бошқарув предмети ҳам эътибордан четда қолдирмаслик керак. *Ички ишлар органларининг бошқарув субъектининг мақсадли фаолияти қайси ижтимоий муносабатларга қаратилса улар ички ишлар органлари бошқарув тизимининг предмети деб ҳисобланиши лозим.*

5. Ички ишлар органлари бошқарув тизимининг субъекти ва предмети адабиётларда назарда тутилганидан кўра кенгроқ ҳисобланади. Жумладан, ички ишлар органлари бошқарув тизимининг субъектлари сифатида Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамаси, ҳудудий вакиллик органларини, шунингдек, ички ишлар органлари бошқарув тизимининг объектларига эса бошқа давлат органлари, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар ҳам киради.

6. Ички ишлар органлари бошқарув тизимининг принциплари сифатида ички ишлар органлари тизимида олиб борилган ислохотлар ҳамда ички ишлар органлари олдида қўйилаётган вазифалар ва замон талабларидан келиб чиқиб қуйидагиларни назарда тутиш лозим: қонунийлик; мақсадга

мувофиқлик; мақбуллик; шахс ҳуқуқ ва эркинликларининг устуворлиги; очиклик ва шаффофлик; яқка бошчилик; ҳамкорлик; илмий ва амалий асосланганлик; ахборот технологиялари имкониятларидан фойдаланиш.

7. *Ички ишлар органлари бошқарув тизимининг ҳуқуқий асослари сифатида қуйидагиларни кўриб чиқиш мумкин:* а) Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси (концептуал ҳамда компетенцуал ҳуқуқий асос); б) Ўзбекистон Республикасининг қонунлари; в) Ўзбекистон Республикасининг кодекслари; г) Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари. ички ишлар органлари бошқарув тизимининг ҳуқуқий асослари сифатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатларини қуйидагиларга таснифлаш мумкин: ички ишлар органларининг бошқарув тизими билан боғлиқ муносабатларни бевосита тартибга солувчи ҳужжатлар; ички ишлар органларининг тегишли соҳавий хизматлари фаолиятини тартибга солувчи ҳужжатлар; ички ишлар органларида бошқарувни таъминлаш билан боғлиқ ҳужжатлар; ҳудудий ички ички ишлар органлари фаолиятида бошқарувни ташкил этиш билан боғлиқ ҳужжатлар; д) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли ҳужжатлари. Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг ҳужжатларини ички ишлар органлари бошқарув тизимининг ҳуқуқий асослари сифатда қуйидагича таснифлаш мумкин: ички ишлар органлари бошқарув тизимини таъминлаш билан боғлиқ ҳужжатлар; ички ишлар органларининг соҳавий хизматлар фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш билан боғлиқ ҳужжатлар; ҳудудий ички ишлар органлари фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш билан боғлиқ ҳужжатлар; е) вазирликнинг идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари.

8. Ички ишлар органлари бошқарув тизимида вазирликнинг идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари салмоқли ўрин тутаети. Буни қуйидагилар билан изоҳлаш мумкин: биринчидан, ИИВнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари ички ишлар органларида бошқарувни ташкил этишнинг барча жиҳатларини қамраб олади; иккинчидан, ички ишлар органларида бошқарувни ташкил этиш ва амалга оширишнинг аниқ шакллари ва усулларини ифодалайди; учинчидан, ички ишлар органлари бошқарув тизимига оид қонунлар, Президент ҳамда ҳукуматнинг турли ҳужжатларининг ижросига оид муносабатларни диалектик шаклда бирлаштиради.

9. Ички ишлар органларининг бошқарув тизимини ахборот билан таъминлаш нуқтаи назаридан унга шундай таъриф беришимиз мумкин: *«Ахборот – ички ишлар органларининг мақсади, вазифалари, функциялари ҳамда асосий фаолият йўналишларидан келиб чиқиб, бошқарув қарорларини қабул қилишга, куч ва воситаларни сафарбар этишга, мавжуд ресурслардан фойдаланишга бевосита таъсир этувчи воқеа, ҳодиса, жараёнлар, шахслар, ҳолатлар ва фактлар ҳақидаги маълумот».*

10. *Ички ишлар органларининг бошқарув тизимини ахборот билан таъминлаш маълумотларни йиғиш, тизимлаштириш, таҳлил қилиш ва умумлаштириш шаклида қуйидаги босқичларда амалга оширилади:* маълумотлар манбаларини аниқлаш; ахборот-таҳлил маълумотлари

рўйхатини тузиш ва тақдим этиш тартибини белгилаш; маълумотларни тўплаш мақсадида тегишли давлат бошқаруви ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда жамоат ташкилотлари билан алоқаларни ўрнатиш; келиб тушаётган маълумотларнинг аҳамияти, тўлиқлиги ва ишончлиги нуқтаи назаридан баҳолаш; маълумотлар мазмуни, йўналиши ва тегишлилиги бўйича тизимлаштириш; маълумотлар базасини шакллантириш.

11. *Ички ишлар органлари бошқарув тизимини таъминловчи ахборотлар қуйидаги шаклда йиғилади:* хизмат ҳудудида ижтимоий-иқтисодий, демографик ва криминоген вазиятга оид статистик ахборотлар; ички ишлар органларининг куч ва воситалари, тезкор-қидирув фаолияти натижалари, тартиб-интизом ва қонунчиликка риоя этиш ҳолатига оид ахборотлар; ички ишлар ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларининг ахборот-таҳлил ахборотлар; суд-ҳуқуқ амалиётига оид ахборотлар; ички ишлар органлари фаолиятини текшириш ва назорат қилиш бўйича тузилган ахборотлар; криминоген вазият ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича олиб борилган илмий тадқиқотлар, аҳолининг ички ишлар органлари фаолиятига бўлган муносабатига оид ахборотлар; жисмоний ва юридик шахсларнинг ахборотлари; ички ишлар органлари фаолиятига доир маҳаллий ва чет эл оммавий ахборот воситаларидаги лавҳа ва мақолалар ҳамда интернет ахборотлари.

II. Ички ишлар органларининг бошқарув тизимига оид қонунчилик нормаларини такомиллаштириш учун қуйидагилар таклиф этилади:

12. Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги (2014 йил 14 май) қонунининг 3-моддасига қуйидаги тушунчани киритиш:

